

"ЯШИЛ ЭНЕРГЕТИКА" КРЕДИТ МАХСУЛОТИ ПАСПОРТИ

1. Кредит махсулоти тўғрисида маълумот

Кредит махсулоти тасдиқланган сана	Банк кредит махсулоти 2023 йил 15 мартдан кучга кириди
Тушунчалар	Банк кредит махсулоти 16.02.2023 йил ПҚ-57-сонли "2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга асосан ишлаб чиқарилган.
Кредит махсулоти номи	"Яшил энергетика".
Кредит тури	Қайта тикланмайдиган кредит линия.
Кредит олувчилар	Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган тadbиркорлик субъектлар (юридик ва яқка тартибдаги tadbиркорлар).
Кредит валютаси	Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси - сўм.
Кредит миқдори	Потенциал қарз олувчининг молиявий ҳолатига боғлиқ, кредит маблаг ҳисобидан олинаётган мулкнинг шартнома қийматининг 70% дан кўп бўлмаслиги керак. Битта қарз олувчи ёки бир гуруҳ қарз олувчилар учун кредитнинг максимал миқдори банкнинг биринчи даражали капиталининг 25 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда.
Фонз ставкаси	Йиллик 28% - муддатли қарз бўйича; Йиллик 42% - муддати ўтган қарз бўйича
Кредит мақсади	Тadbиркорлик субъектлари томонидан қайта тикланадиган энергия манбалари қурилмаларини сотиб олиш ва ўрнатил, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва ишлаб чиқариш жараёнининг энергия самардорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни молиялаштириш, шу жумладан энергия манбалари қурилмаларини импорт қилиш.
Кредит муддати	36 ойдан ошмаслиги керак
Имттиёзли давр	6 ойдан ошмаслиги керак
Кредит ажратилган тамойиллари	Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва банкнинг норматив ҳужжатларига мувофиқ кредит бўйича гаров таъминоти расмийлаштирилгандан кейин амалга оширилади. Шунингдек, гаров таъминоти бўйича сугурта шартномалари банка тақдим этилиши лозим, улар кредитлашнинг бутун муддати учун гаровнинг сугурталанганлигини тасдиқлайди. Кредит таъминоти сифатида тақдим этилган транспорт воситалари учун сугурта муқофотини камида 12 ой муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш рухсат этилади. Навбатдаги сугурта полиси, амалдаги сугурта полисининг амал қилиш муддати туғанидан камида 15 календар кун олдин тақдим этилиши лозим. Кредит таъминоти сифатида тақдим этилган мулк, Банкнинг амалдаги Кредит сисъатига мувофиқ ҳисобланган, шунингдек келишилган гаров қиймати бўйича қабул қилинади.
Молиялаштириш тартиби	Қарз олувчининг лойиҳада ўз иштироки - сотиб олинадиган мулкнинг шартномаси қийматининг камида 30 фоизи; Банк томонидан молиялаштириш - сотиб олинадиган мулкнинг шартномаси қийматининг 70 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда;
Комиссия	Йўқ
Кредитни сўндириш тартиби	Имттиёз муддати туғайдан сўнг, ҳар ойнинг 5 кунда.

2. Кредит таъминоти бўйича

Кредит таъминоти	Кредит таъминоти кредит суммасининг 125%дан кам бўлмаган миқдорда бўлиши керак. Кредит учун гаров сифатида қуйидагилар қабул қилинади: кўчмас мулк; автотранспорт воситалари; қурилиш, кишлоқ хўжалиги техникаси ва ёқки бошқа махсус техникалар, шу жумладан тракторлар ва ўзвизорлар шассилар пул маблаглари (депозитлар); банклар ва сугурта компаниялари кафолати.
-------------------------	--

2а. Қарз олувчи / қўшимча қарз олувчига қўйиладиган талаблар

Қарз олувчи/қўшимча қарз олувчига қўйиладиган талаблар	1. "ANOR BANK" АЖ да талаб қилиб олинувчи депозит ҳисобварақи мавжудлиги. 2. Салбий кредит тарихининг йўқлиги. 3. Молиялаштирилаётган лойиҳа бўйича режалаштирилган пул оқимларининг етарлилиги. 4. Бизнес муддати ва корхонани расмий рўйхатдан ўтказиш муддати камида 6 ой бўлиши қўллаб қувватланди. 5. Зарар билан ишлайдиган ва ликвидсиз баланста эга бўлган корхоналарга кредит берилмайди. 6. Агар мижознинг фаолияти лицензиялаш талаб этилса, амалга ошириладиган фаолият учун тегишли рухсатномалар ва лицензиялар мавжудлиги.
Қарз олувчи/қўшимча қарз олувчининг кредит тарихига нисбатан талаблар	Қарз олувчининг кредит тарихи ижобий ёки яхши бўлиши керак

3. Кредит тақдим этиш тартиби

Талаб этиладиган ҳужжатлар	Юридик шахслар учун: 1. Кредит олиш учун ариза, миқдори, муддати, фонз ставкаси, мақсади ва кафолати кўрсатилган; 2. Таъсисчилар йиғилишининг кредит олиш, кредит ва гаров ҳужжатларини имзолаш учун директор/масъул шахсларнинг кафолати ва воқолатини бериш тўғрисидаги баённомаси (асл нусхаси); 3. Охириги молиявий йил учун молиявий ҳисоботлар (бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақида маълумот) ва охириги ҳисобот санасидаги операцион молиявий ҳисоботлар; 4. Кредитлаш даврида прогноз қилинган пул оқимлари ва асосий харажатларни кўрсатадиган лойиҳа сўровномаси ёки кредитлаш даврида пул оқимлари ва чиқилларини кўрсатадиган бизнес-режа; 5. Сўнгги 12 ой ичида бошқа банкларда очилган ҳисобварақлардаги пул оқимлари тўғрисидаги маълумот, 2-картотеканинг мавжудлиги/йўқлиги тўғрисидаги маълумотлар – қарздорлик тўғрисидаги маълумотлар (кредитлар, кафолатлар, аккредитивлар, лизинг ва бошқа молиявий мажбуриятлар), агар қарз олувчининг асосий/иқтисодчи депозит ҳисобварақи бошқа банкларда хизмат кўрсатилса; 6. Гаров таъминоти ҳужжатлари; 7. Банк талабига биноан бошқа ҳужжатлар. Яқка тартибдаги тadbиркорлар учун: 1. Кредит олиш учун ариза; 2. Кредитлаш даврида прогноз қилинган пул оқимлари ва асосий харажатларни кўрсатадиган лойиҳа сўровномаси ёки кредитлаш даврида пул оқимлари ва чиқилларини кўрсатадиган бизнес-режа; 3. Охириги 12 ой ичида бошқа банкларда очилган ҳисобварақлардаги пул оқимлари тўғрисидаги маълумот, 2 – картотеканинг мавжудлиги/йўқлиги тўғрисидаги маълумотлар, қарздорлик тўғрисидаги маълумотлар (кредитлар, кафолатлар, аккредитивлар, лизинг ва бошқа молиявий мажбуриятлар), агар қарз олувчининг асосий/иқтисодчи депозит ҳисобварақи бошқа банкларда хизмат кўрсатилса; 4. Гаров таъминоти ҳужжатлари; 5. Банк талабига биноан бошқа ҳужжатлар.
Кредит аризасини кўриб чиқиш муддати	7 иш кунини ичида
Скоринг тизими	Кредит банкда скоринг таҳлилидан фойдаланмасдан кўриб чиқилади.
Томонлар ўртасида низо ва келишмовчиликларни ҳал қилиш йўли	Низолар ва келишмовчиликларни ҳал қилиш тартиби банк ва қарз олувчи ўртасида тузилган шартномаларда келишиб олинади.

4. Кредит махсулотини тўхтатиш ёки бекор қилиш шартлари

Лойиҳа юзасидан ўрнатилган "стоп факторлар"	1. Ликвидсиз ва фойдасиз баланс; 2. Кредит бўйича муаммоли қарзларнинг, шунингдек кредитга тенглаштирилган операциялар мавжудлиги; 3. Қарз олувчининг асосий депозит ҳисобварақида блокировкалар ва бошқа чекловлар мавжудлиги; 4. Салбий кредит тарихига эга бўлиши; 5. Кредит бўйича таъминоти йўқлиги; 6. Кредит доирасида тўлов амалга ошириш учун тузилган олин-сотдин/ импорт шартномасининг йўқлиги.
--	--